

**ПРОБАЦИЯ ФАОЛИЯТИ ТУШУНЧАСИ ВА АҲАМИЯТИ****Аманов Абдоржон Абдуллаевич**

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги

Малака ошириш институти

профессори

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15029892>**ARTICLE INFO**

Qabul qilindi: 05-Mart 2025 yil

Ma'qullandi: 10- Mart 2025 yil

Nashr qilindi: 15- Mart 2025 yil

**KEY WORDS**

*Пробация, пробация фаолияти, Ички ишлар вазирлиги, Жамоат хавфсизлиги департаменти, пробация хизматлари*

**ABSTRACT**

*Мақолада пробация фаолияти тушунчаси ва аҳамияти хусусида фикр юритилиб, мазкур фаолиятни янада самарали ташкил этишга оид таклиф ҳамда тавсиялар билдирилган*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бугунги ислохотлар жараёнида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ соҳасини такомиллаштириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Хусусан, мазкур ислохотларнинг амалий ифодаларидан бири бу - одил судлов мақсадларини рўёбга чиқариш, ижтимоий хавфли қилмиш бўлмиш ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларнинг қайта ижтимоийлашувини ташкил қилиш ва уларнинг тузалиши, ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратиш, постпенитенциар мослашув жараёнида қонун талаби ва инсонийлик манфаатлари мувозанатини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда бу жараёнларда фуқаролар иштирокини амалга оширишнинг таъсирчан ва амалий механизмларини яратиш, бошқача айтганда пробация фаолиятини самарали амалга ошириш ҳисобланади.

Жумладан, пробация фаолиятини самарали амалга оширилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят-ижроия қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ 4006-сон Қарори муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, мазкур қарорга асосан, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш инспекцияси негизида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти ва унинг ҳудудий бўлинмалари таркибларида тегишлича Пробация хизмати ва унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилди. Хусусан, бугунги кунда ушбу хизмат озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликни чеклаш тариқасидаги жиноий жазоларнинг ижросини ташкил қилишни, шунингдек, шартли ҳукм қилинган ва жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинган шахсларнинг хулқ-атвори устидан назоратни амалга оширади.

Таъкидлаш лозимки, “пробация” сўзи лотинча “probatio” – синов сўзидан олинган бўлиб, ушбу тушунча дунё амалиётида озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларнинг ижро этилишини таъминлаш ва назоратини олиб бориш маъносини англатади. Хусусан, ҳозирги кунда “пробация” атамаси: Жиноийи жазоларни ижро этиши тизимини тадқиққилишга оид ишларда ;

-халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда, масалан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси томонида тасдиқланган Маҳкумлар билан муомала қилишнинг минимал стандарт қоидалар (1955-йил) , Европа пенитенциар қоидалари (1987-йил) ва бошқа ҳолатларда кенг қўлланилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 7 августда қабул қилинган “Пробация тўғрисида” ги Қонунида: пробация — муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, озодликни чеклаш тарзидаги жазоларнинг ижро этилишини таъминлашга, маҳкумларга ижтимоий-ҳуқуқий ва тарбиявий таъсир кўрсатишга, шунингдек, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга барҳам беришга, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабабларини ва уларга имкон берадиган шарт-шароитларни аниқлашга, бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи, деб таъриф берилган.

Айтиш мумкинки, юртимиз ижтимоий ҳаётида судлар томонидан маҳкумларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланганлиги (2021 йилда 71 %, 2022 йилда 74 %, 2023 йилда 76 %) пробация фаолиятининг аҳамияти янада ошишига хизмат қилди десак муболаға бўлмайди. Бу эса, пробация йўналишини профессионал кадрлар билан жамлаш заруриятини юзага келтирди ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги ПҚ-207-сон Қарорига асосан, 2022 йил 15 апрелдаги “Ички ишлар органлари учун профессионал кадрларни тайёрлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-5076-сонли Қарорига тўлдириш киритилиб, унга кўра, ИИВ Академиясида пробация фаолияти йўналишида юрист-психологик мутахасисларини тайёрлаш йўлга қўйилди.

Айтиш мумкинки, “Пробация фаолияти” фани узоқ тарихга эга бўлиб, дастлаб, 1927 йилда Томасом Уильямом Тротом “Европада пробация” номли илк китобни ёзган ва кейинчалик кўпгина мамлакатларда ҳам пробация фаолияти ҳақида ёзила бошланган ҳамда фан сифатида ривожланиш босқичига ўтган. Хусусан, “Пробация фаолияти” фани Европада – ижтимоий-педагогик асосга эга бўлган, назорат ва ёрдамнинг уйғунлиги билан тавсифланган, жазо усулини ўрганишдан иборатдир. Шу билан бирга, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури, шахснинг криминологик мойиллигига кўра унинг мақсадини ҳамда жамият ҳаётига бўлган муносабатани ўзгартириш ва ижтимоий муҳитда ўз ўрни эгаллаш имконини берадиган, такроран жиноят содир этишнинг олдини олишга қаратилган методларни билишдир.

Пробация фаолияти деганда, пробация хизматининг озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазони ва бошқа жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларни ижро этиши ҳамда судланган шахсларни ижтимоий мослаштириш билан боғлиқ бўлган фаолият тушунилади.

Айтиш мумкинки, бугунги кунда Пробация хизмати бир қатор ривожланган давлатларнинг (АҚШ, Дания, Швеция, Финландия ва бошқа) жиноят-ижроия қонунчилигига кириб келган ва ушбу хизмат фаолияти турли давлатларда турлича йўлга қўйилган бўлса-да, пробация фаолияти умумий айтганда, жиноят содир этган шахсларни жамият ҳаётига ижтимоийлаштириш ва уларни ахлоқан тузатиш, шунингдек, пробация назоратидагиларни жамият ҳаётидан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш ишларини ташкил этишга йўналтирилгандир.

Шунингдек, бугунги кунда ривожланган давлатлар ва бир қатор ривожланаётган давлатлар амалиётида жиноий жазо чоралари сифатида инсонларга қўлланилаётган озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилишининг такомиллашаётганини ва пробация фаолиятини ривожланиб бораётганини кўришимиз мумкин. Масалан, Молдовада (2008 йил), Украинада (2015 йил), Арманистон ва Қозоғистонда (2016 йил), Қирғизистонда (2017 йил) озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ижро қилинганларни назорат қилиш функцияси пробация фаолияти томонидан амалга оширилиши жорий этилгани ҳамда пробация хизматининг фаолияти ҳуқуқий тартибга солинган.

Мамлакатимизда эса, юқорида қайд этилганидек, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ижро этилишини таъминлайдиган Пробация хизмати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018-йил 7-ноябрдаги “Жиноят қонунчилигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПҚ-4006-сонли Қарори билан 2019-йил 1-январдан жорий қилинди. Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев, “Билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолганива жазони ўтаётган фуқароларнинг ижтимоий мослашувини, ислоҳот ҳаётга қайтишини таъминлашда ҳам ички ишлар органларининг ўрни ва роли ортиб бормоқда. Бу йўналишда илгариги жазони ижро этиши инспекцияси ўрнига “Пробация хизмати” ни ташкил этиш ва ушбу хизмат маҳкумларни зарур касб-хунарларга ўқитиш ва тайёрлаш, ишга жойлаштириш, уларни хусусий тадбиркорликка жалб этиш, энг асосийси иш берувчилар томонидан уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишида аяқдан ёрдам кўрсатмоқда” идеб, таъкидлаган эди.

Шунингдек, пробация фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги

“2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги ПФ-6155-сон Фармони билан тасдиқланган давлат дастурининг 30-бандида “Халқаро стандартлар ва инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этган ҳолда жазони ижро этиш ва пробация хизматини янада такомиллаштириш” га оид вазифалар белгилаб берилди.

Айтиш мумкинки, бугунги кунга қадар мамлакатимизда пробация фаолиятини амалга оширувчи тизим меҳнат-ахлоқ тузатиш ишлари, жиноий жазоларни ижро этиш тизими, жазон ижро этиш инспекцияси, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этувчи органлар тизими каби тушунчалар билан номланиб келинган.

Таъкидлаш лозимки, пробацацияфаолияти озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этилиши амалга ошириладиган ва жиноят содир этган шахсларни жамиятга ижтимоийлашувини қамраб оладиган жараёнларни ўз ичига оладиган тизимдир. Бу тизимда давлат ва жамиятнинг асосий вазифаси жиноятисодир этган шахсларни фақатгина жазолаш эмас, балки, уларни келажақда қайта жиноят содир этишларини олдиниолишива уларни жамият ижтимоийихаётига мослаштиришдир.

Жумладан, пробацация фаолияти хусусида бир қанча мутахассислар фикр билдирганлар. Масалан, И. Жаронкина, “пробацация фаолияти маҳкумнинг хулқ-атворида шундай таъсир қилиши, у ўз жавобгарлигини англасин ваионглииравишда тузалиш йўлини тутсин” , деб қайд этади. А.К. Исергепова эса, пробацация хизмати – шартли судланганлик шакли тушу-нилиб, бунда маҳкум озодликдан маҳрумиқилинмасдан махсус органлар на-зорати остида бўлади,исинов муддатииваиунгаикўйиладиган талабларисудихукм билан белгиланади деб таъкидлайди. Мазкур фикрлар ҳам пробацация фаолиятини жамиятдаги аҳамиятини ўзида акс эттириб турибди. Бошқа манбада “пробацация фаолияти-бу ижтимоий ва ҳуқуқий назоратнинг бир шакли” эканлиги кўрсатибиўтилган бўлиб, яъни, бу ерда пробацацияфаолия-ти жазони ижро этиш билан бирга,ижтимоийлашувитадбирларини ҳам амалга ошириши кўрсатиб ўтилган. Яна бошқа мутахассислар, пробацация тизими ва унинг фаолиятини озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноий жазоларни ижроиэтувчиидавлат органлари ва муассаса-лари, маҳкумларнииахлоқан тузатиш мақсадига эришишни таъминлайдиган ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий ва жамоат тузилмаларини ўз ичига олишини итаъкидлашган.

Қозоғистон Республикасининг “Пробацация тўғрисида” ги қонунида “пробацация – бу тоифалар аниқланган шахсларнинг хатти-ҳаракатларини тўғрилашгаикқаратилган, иянгиинжиноийихуқуқбузарликларни олдини олиш учун индивидуал равишда белгиланган назорат ва ижтимоий-ҳуқуқий характердаги тадбирлар тизими деб белгиланган.

Маҳаллий мутахассис Ш.А. Хўжаев пробацация фаолиятининг асослари-ни қуйидагича баён этган:

- жазони ўташи учун инсонпарварликитамоийилинингинамоийиши сифа-тида муқобиллик;
- маҳкумлиқда ижтимоий масъулиятли хатти-ҳаракатни шакллантириш;
- ижтимоий мослашувни рағбатлантириш ва такрорий ҳуқуқбузар-ликларнинг олдини олиш;
- ҳуқуқбузарниижамиятихаётигаикиритишгаикўмаклашиш;
- пенитенциар тизимларнинг сақлаш харажатларни камайтириш .

Таъкидлаш лозимки, пробацация юридик институт сифатида Европада узоқ тарихга эгадир. Шунингдек, XX аср охирида пробацация институти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг эътибориниитортиб, жиноятчиликка қарши курашиш борасидаибириқаторихалқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган . Ривожланган мамлакатларда эса, пробацация фаолияти ҳуқуқий асосларнинг қабул қилиниши ва ҳалқаро ҳужжатларнинг нормалари билан мустаҳкамланиб, такомиллашиб бормоқда.

Шу билан бирга, айрим ривожланган давлатларнинг жиноят-ижроия амалиётида

пробация фаолияти пенитенциар тизимнинг муҳим элементи ҳисобланади. Масалан, Н.В.Уголникова “Жиноий жазони ижро этиш соҳасининг ўзаро алоқадор субъектлари озодликдан маҳрум қилиш тариқа-сидаги жиноий жазоларни ижро этадиган муассасалар ва органларнинг ягона бошқарув комплекси” деб қайд этган. В.М. Анисимков “Жиноят-ижроия тизими кўп тармоқли, кўп функцияли ижтимоий тизим ҳисобланади” деб таъкидланган.

Айтиш мумкинки, жиноят-ижроия соҳаси фақатгина жазони ўташни таъминлаш эмас, балки, жазони ижро этишда пробация фаолияти – инсон, жамият ва давлат манфатларини таъминлаши лозим.

Хулоса сифатида қайд этиш мумкинки, бугунги кунда Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробация бошқармаси озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ижросини таъминлаш жараёнида хусусан, аҳоли турар жойларида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш, маҳкумларнинг ҳуқуқий онги ҳамда маданиятини юксалтиришда ҳамда уларнинг халқимиз ҳаёт тарзи, маънавияти, қадриятлари ва менталитетига мос келадиган турмуш тарзини яратишда самарали хизмат олиб бормоқдалар. Лекин, жамият ҳар доим ривожланишда бўлганидек, ҳуқуқбузарликлар ҳам ривожланиб, мураккаблашиб ва такомиллашиб бормоқда. Шу боисдан ҳам ички ишлар органлари пробация бошқармаси фаолияти ва иш самарадорлигини янги босқичга олиб чиқиш бугун замон талабидир. Бошқача айтганда, Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Пробация бошқармаси жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва содир этилишига имкон берган шарт-шароитларини бартараф этишда қонун ва қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, фаолиятнинг шакл ва усулларида ҳамда хизмат ваколатларидан самарали фойдаланган ҳолда амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир. Сабаби, қайд этиш керакки, пробациянинг асосий вазифаси фақатгина жазони ижро этиш эмас, балки, маҳкумларнинг жамиятда қайта ижтимоийлашувини таъминлашданиборатдир.